

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

„ I “ декабрь 2017 й. г. № 957

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини  
такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 16 августдаги ПҚ–3219-сон қарорини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Бадий академиясининг устави 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Бадий академияси:

бир ой муддатда Бадий ижодкорлар уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги галереялари тўғрисидаги намунавий низомни ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин;

икки ой муддатда Ўзбекистон Бадий академияси тизимига кирувчи ташкилотларнинг таъсис ҳужжатларини қайта кўриб чиқсин ва улар қонун ҳужжатлари талабларига мослаштирилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.В. Нуридинов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, санъат ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил “I” декабрдаги  
957-сон қарорига  
1-илова

## Ўзбекистон Бадий академиясининг УСТАВИ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Устав Ўзбекистон Бадий академиясининг (кейинги ўринларда Бадий академия деб аталади) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини, унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби ҳамда Бадий академия раҳбарларининг функционал вазифалари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Бадий академия тасвирий ва амалий санъат, дизайн йўналишларини ривожлантириш, академик бадий таълимнинг изчиллигини таъминлаш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга ваколатли бўлган давлат муассасаси ҳисобланади.

3. Бадий академия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Бадий академиясини ташкил этиш ҳақида” 1997 йил 23 январдаги ПФ-1701-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219-сон қарорига мувофиқ амалга оширади.

4. Бадий академия Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига (кейинги ўринларида Вазирлар Маҳкамаси деб аталади) бўйсунди.

5. Бадий академия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Уставга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

6. Бадий академия юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобварақларига, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан, қонун ҳужжатларига мувофиқ банкларда миллий ва хорижий валютада ҳисоб рақамларига эга бўлади.

7. Бадий академиянинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Бадий академияси, қисқа номи – ЎЗБА

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Академия Художеств Узбекистана, қисқа номи – АХУз

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи – Academy of Arts of Uzbekistan, қисқа номи – AAU

## **2-боб. Бадий академиянинг таркибий тузилмаси**

8. Бадий академия таркибида:

Бадий академиянинг марказий аппарати;

Ўзбекистон Бадий академиясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими;

Бадий кўргазмалар дирекцияси;

Халқаро маданият қарвон саройи;

Тошкент фотосуратлар уйи;

Қамолитдин Бехзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейи;

“Санъат” журнали;

Қурилиш дирекцияси;

“Ҳамар” халқаро алоқалар маркази;

Ўзбекистон Бадий академияси Бадий ижодкорлар уюшмаси ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлимлари;

Ўзбекистон Бадий академияси Бадий ижодкорлар уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги галереялари;

Қамолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти;

П. Беньков номидаги Республика рассомлик коллежи;

Республика дизайн коллежи;

Қўқон тасвирий ва амалий санъат коллежи;

Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатлари фаолият олиб боради.

## **3-боб. Бадий академиянинг вазифалари ва функциялари**

### **1-§. Бадий академиянинг асосий вазифалари ва функциялари**

9. Қуйидагилар Бадий академиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатини янада ривожлантириш, шахсий ва ижодий кўргазмалар учун кенг имкониятлар яратиш бериш ҳамда ижодкорларнинг бадий салоҳиятини ошириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

жаҳондаги етакчи бадий академиялар, ушбу йўналишдаги таълим муассасалари, ташкилотлар, атоқли маданият ва санъат арбоблари билан илғор тажрибани алмашиш мақсадида ҳар томонлама ижодий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

ижодкорлар ва истеъдодли ёшларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш ҳамда Бадий академия тизимидаги ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

халқимизнинг бой маданий меросини, тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн анъаналарини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Бадий академияси

Бадий ижодкорлар уюшмасининг (кейинги ўринларда Бадий ижодкорлар уюшмаси деб аталади) фаолиятини мувофиқлаштириш;

тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишидаги ижодкорларнинг миллий ўзликни англаш ғояларини тараннум этувчи юксак даражадаги ёрқин санъат асарларини яратишдаги фаолиятини рағбатлантириш ва болалар санъатини ривожлантириш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

Бадий академия тизимидаги таълим муассасаларининг фаолиятида бадий таълим узвийлиги ҳамда узлуксизлигини таъминлашга эришиш мақсадида ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатлари ва ўрта махсус таълим муассасалари учун бошланғич бадий таълимни йўлга қўйиш;

Ўзбекистон маданияти ва санъатининг тараққиёти йўлида тасвирий ва амалий санъат, дизайн ва халқ ҳунармандчилиги соҳалари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида Бадий академия тизимидаги таълим муассасаларининг фаолиятини хорижий тажриба асосида такомиллаштириш;

тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишида етук мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, Бадий академия марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини кучайтириш, бу борадаги вазифаларни амалга оширишнинг замонавий, таъсирчан усул ва шакллари тизимли асосда ривожлантириб бориш;

Ўзбекистонда ва хорижда кенг қўламли кўرғазмалар ташкил этиш орқали миллий санъатимиз ютуқларини дунё жамоатчилигига танитиш, конференция, биенналелар ва бошқа анжуманлар ўтказиш.

10. Бадий академия ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

*а) ижодий йўналишида:*

ёш ижодкорлар, истеъдодли рассомлар, дизайнерлар, халқ усталарининг республика ва халқаро миқёсда шахсий ва жамоавий кўрғазмаларини белгиланган тартибда ташкил этади;

ижодкорлар ва кўрғазмалар бадий салоҳиятини ошириш мақсадида академиклар, профессионал мутахассислар ҳамда санъатшунослар, адабиётшуносларни, тарих, эстетика соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бораётган олимларни жалб қилган ҳолда муҳокамалар мунтазам олиб борилишини назорат қилади;

ижодкорлар ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тасвирий ва амалий санъат, дизайн йўналишида ижодий танловлар ўтказиш;

Ўзбекистонда тасвирий ва амалий санъат, дизайн йўналишини ривожлантириш бўйича жаҳондаги етакчи бадий академиялар, ташкилотлар, бадий ижодкорлар уюшмалари, соҳа бўйича атоқли ижодкорлар билан ҳар томонлама ижодий ҳамкорликни амалга оширади;

кўрғазмали фаолият билан шуғулланувчи тизим ташкилотлари ва галереяларнинг моддий-техник базасини замонавий талабларга асосан такомиллаштиради;

ижтимоий-иқтисодий ҳимояга муҳтож ижодкорларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ таклифларни “Илҳом” жамоат фонди ва бошқа ҳомийларга киритади;

Бадий ижодкорлар уюшмаси билан биргаликда уюшма шуъбаларининг фаолиятини самарали ташкил этиш, ҳудудий галереяларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижодкорларга шарт-шароитлар яратиш чораларини кўради;

белгиланган тартибда тасвирий ва амалий санъат, дизайн йўналиши бўйича давлат ва нодавлат ташкилотларининг буюртмаларини амалга оширади.

*б) таълим йўналишида:*

Бадий академия тизимидаги таълим муассасаларининг бадий таълим бўйича фаолият йўналишини белгилайди;

бадий таълимнинг изчиллигини кучайтириш, таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш мақсадида бошланғич, умумий ўрта, ўрта махсус, олий ва ундан кейинги таълим тизимини мувофиқлаштиришда иштирок этади ҳамда тасвирий ва амалий санъат, дизайн ҳамда санъатшунослик соҳасида етук мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим тизимини мунтазам такомиллаштириб боради;

жаҳондаги таълим муассасалари билан Бадий академия тизимидаги таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлиги, тажриба алмашувини мувофиқлаштиради;

Бадий академия тизимидаги ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатларида бошланғич бадий таълимни изчил йўлга қўйишни, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамланишини назорат қилади;

Бадий академия тизимидаги таълим муассасаларида ёшларнинг таълим олиши учун шарт-шароитлар яратиш, бадий таълим сифатини ошириш билан боғлиқ лойиҳаларни тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда амалга оширади;

*в) илмий йўналишида:*

Бадий академиянинг илмий-тадқиқот фаолияти йўналишларини белгилайди ҳамда тасвирий ва амалий санъат, дизайн соҳасида давлат дастури ва лойиҳаларини ҳамда бошқа турдаги дастур ва лойиҳаларни амалга оширади;

тасвирий ва амалий санъат, дизайн йўналишидаги фаолият ва уни ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Бадий академиянинг “Санъат” журналида ёш тадқиқотчиларнинг илмий ишлари натижалари, мутахассис олимларнинг санъат соҳасига доир мақолалари сифати ва салоҳиятини назорат қилади;

долзарб илмий-ижодий муаммолар ҳамда буюк мутафаккирлар, машхур фан, адабиёт ва санъат арбоблари шарафига бағишланган ҳалқаро илмий конгресслар, конференциялар, симпозиумлар, семинарларни ташкил этишда иштирок этади;

тасвирий ва амалий санъат, дизайн йўналишидаги илмий тадқиқотларни ташкил этади ва амалга оширади ҳамда Бадий академия тизимида кирувчи

ташкilotларда фаолият юритаётган илмий ходимлар ва мутахассисларнинг самарали фаолиятини ташкил этади;

г) *тарғибот-ташвиқот йўналишида:*

Ўзбек тасвирий ва амалий санъатини тарғиб этиш, истеъдодли ёшлар ва ижодкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида анъанавий тасвирий ва амалий санъат фестивалини ташкил этади ва ўтказади;

кенг кўламда кўргазмалар ташкил этиш орқали миллий санъатимиз ютуқларини дунё жамоатчилигига танитиш, тарихий ва замонавий ўзбек амалий санъатини республикада ҳамда хорижда кенг тарғиб қилиш, жамоатчиликни миллий ва чет эл маданияти ва санъати билан яқиндан таништириш ва тарғиб қилиш ишларини юксак поғонага кўтариш мақсадида “Тошкент Халқаро амалий санъат Биеннаlesi” ва “Замонавий санъат Биеннаlesi”ни хар икки йилда бир марта ўтказади;

Ўзбек тасвирий ва амалий санъатининг ўзига хос жиҳатларини намойиш қилиш, турли хилдаги йўналишларни, янги тенденцияларни, замонавий санъатда янги номлар ва йўналишлар интеграциясини амалга ошириш, халқаро маданий алоқаларни ривожлантириш, истеъдодли болалар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро даражадаги биеннаселарни, шу жумладан, болалар биеннаселарни ўтказишни ташкил этади;

тасвирий ва амалий санъат, дизайн соҳасида самарали фаолият олиб бораётган, миллий маданиятни асраб-авайлаш ва тарғиб қилиш, маънавий бой, жисмонан бақувват, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётган ижодкорларни рағбатлантириш мақсадида Бадий академиянинг “Олтин”, “Кумуш” медаллари ва дипломларини таъсис этади.

#### **4-боб. Бадий академиянинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

11. Бадий академия ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) Бадий академияга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига киритиш;

2) Бадий академия ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ахборотни давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

3) Бадий академия ваколатига кирадиган масалалар бўйича зарур статистика ахборотини давлат статистика органларидан бепул асосда олиш;

4) Бадий академия тизимига кирувчи ташкilotларнинг давлатга тегишли мол-мулкни ўзининг ташкилий тузилмаси доирасида бир бўлинмадан бошқа бўлинмага белгиланган тартибда бериш;

5) Бадий академия тизимига кирувчи ташкilot ходимлари томонидан ўз соҳасида улар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари бўйича параметрлар бажарилишини ҳисобга олган ҳолда уларни моддий рағбатлантириш тартиби, миқдорлари ва шартларини белгилаш;

6) Бадиий академия ваколатига кирадиган масалалар бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига киритиш;

7) Бадиий академия ваколатига кирадиган масалалар бўйича халқаро шартномалар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш, идоралараро тусдаги халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

8) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ҳамда банклар ва бошқа кредит ташкилотларида валюта ҳисоб рақамларига эга бўлиш;

9) Ўзбекистоннинг етук рассомлари асарларини, халқ усталарининг буюмларини, ноёб дурдоналарини сақлаш ҳамда республика ҳудудида ва хорижий мамлакатларда кўргазмалар ўтказиш мақсадида белгиланган тартибда бюджет, хайрия маблағлари ва бошқа манбалардан тушган маблағлар ҳисобидан санъат асарларини сотиб олиш ва санъат, санъатшунослик соҳасида ижодий, илмий асарлар яратиш учун буюртма бериш;

10) Ўзбекистондаги ва хориждаги тегишли аукционларда қатнашиш ва уларни белгиланган тартибда ташкил этиш, шунингдек, ушбу аукционларда тасвирий ва амалий санъат асарларини белгиланган тартибда сотиш ва сотиб олиш;

11) Бадиий академия тизимига кирувчи ташкилотларнинг моддий-техник базасини яхшилаш чораларини кўриш;

12) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шартномалар тузиш;

13) Бадиий академияга тегишли мол-мулкка нисбатан қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган доирада, ўз фаолиятининг мақсадларига, мулкдорнинг топшириқларига ҳамда мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ ҳолда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

14) Ўзбекистонда ва чет элларда бадиий, ижодий кўргазмалар ташкил қилиш ва миллий санъатимизни кенг тарғиб этиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муаллифларнинг асарларини Ўзбекистонда ва хорижда сотишда кўмаклашиш.

Бадиий академия қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

## 12. Бадиий академия:

1) Бадиий академияга юкланган вазифалар ва функциялар самарали бажарилишини таъминлаш;

2) Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда Бадиий академия томонидан қабул қилинган қарорларнинг сифати ва улар татбиқ этилишига доир якуний натижалар учун;

3) мамлакатимиз музейлари фондларини мустақиллик йилларида яратилган юксак бадиий қийматга эга бўлган тасвирий ва амалий санъат асарлари билан мунтазам бойитиб бориш мақсадида ижодкорларнинг тасвирий ва амалий санъат соҳасидаги асарларини Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Бадиий экспертлар кенгашига тақдим этиш, ушбу Бадиий экспертлар кенгаши таркибига тасвирий ва амалий санъат соҳасида илғор ғоялари ва юксак

бадий салоҳияти билан ажралиб турувчи мутахассисларни танлаш бўйича номзодларни таклиф қилиш, шунингдек, бу борада Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Бадий экспертлар кенгаши ишини ҳамкорликда самарали ташкил этиш;

4) хўжалик фаолияти ва капитал қурилишни олиб бориш мақсадида Бадий академиянинг тегишли ишларини ташкил этиш;

5) Бадий академия тизимига кирувчи ташкилотларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, улардаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича дастур, чора-тадбирлар амалга оширилиши учун масъулдир.

#### **5-боб. Бадий академия раҳбарларининг асосий функционал вазифалари**

13. Раиснинг асосий функционал вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

2) Бадий академиянинг умумий бошқарув фаолиятини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ Бадий академияга юкланган вазифалар бажарилишини ташкил қилиш;

3) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган давлат бошқаруви органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир ҳужжатлар ва қарорларга асосан амалга оширилаётган концепция, комплекс дастур ва чора-тадбирларни чуқур ва танқидий таҳлил қилиб бориш;

4) Бадий академия тизимига кирувчи ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларда белгиланган вазифалар сўзсиз бажарилишини таъминлаш бўйича амалий чоралар кўриш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони хизматлари, Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, шунингдек, тегишли вазирликлар ва идоралар билан Бадий академия фаолияти ва ваколати доирасига кирувчи масалалар бўйича ўзаро фаолият юритиш, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиумидаги йиғилишларда масалаларни кўриб чиқишда иштирок этиш;

6) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан берилган топшириқларни бажариш;

7) Раис ўринбосари ва бош илмий котибнинг функционал вазифаларини тақсимлаш, раис ўринбосари ва бош илмий котиб, Бадий академия тизимидаги бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатларини, Бадий академия фаолиятининг алоҳида йўналишлари ва участкаларига раҳбарлик қилиш, марказий аппарат ҳамда Бадий академия тизимига кирувчи ташкилотлар иши юзасидан шахсий жавобгарлиги даражасини белгилаш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, ўринбосар, бош илмий котиб, марказий аппарат таркибидаги бўлим ва бошқармалар раҳбар ва ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Бадий академия тизимига кирувчи ташкилотлар, Бадий ижодкорлар уюшмаси (уюшманинг раиси сифатида) ва унинг ҳудудий бўлимлари ва уларнинг галереяларининг раҳбар ходимлари фаолиятини назорат қилиш;



8) Бадий академия бошқарув фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, марказий аппаратнинг бўлинмалари низомларини, шунингдек, Бадий академия тизимига кирувчи ташкилотларнинг уставлари ва тузилмасини белгиланган тартибда тасдиқлаш, ижодий, илмий-тадқиқот ва ўқув-методик дастурларни ҳамда йиллик режаларини тасдиқлаш ва уларнинг ижросини назорат қилиш;

9) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида белгиланган вазифаларни бажаришни тизимли ташкил қилиш, Бадий академияда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

10) Бадий академиянинг марказий аппарати бошқарма ва бўлимлари, шу жумладан, тизимга кирувчи ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарори ижро мониторингини яратиш;

11) Бадий академия ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш белгиланган тартибда тизимли ташкил этилишини назорат қилиш;

12) Бадий академия тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Бадий академияда кадрлар захирасини шакллантирилишни назорат қилиш;

13) ўз фаолияти доирасидаги масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқишни ташкил этиш, Вазирлар Маҳкамасига “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги, “Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг регламенти (кейинги ўринларда Вазирлар Маҳкамасининг регламенти деб аталади) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3161-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг регламенти (кейинги ўринларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг регламенти деб аталади) талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўз вақтида киритиб бориш, Вазирлар Маҳкамаси ижро аппаратида уларни кўриб чиқиш, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти ҳузурида ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонида кўриб чиқишда иштирок этиш;

14) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тегишли органларга киритишда “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги, “Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон қарори

билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятининг намунавий регламентига мувофиқ ташкил этиш;

15) Бадиий академия ваколатига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш, зарурат туғилганда, тегишли қарорларни вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда қабул қилиш;

16) Бадиий академияга тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва таклифлар тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқирилишини, уларни марказий аппарат бўлинмаларида ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ва бошқа экспертизалардан пухта ўтказиш, шунингдек, уларни Вазирлар Маҳкамасининг регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг регламентида белгиланган муддатларда мувофиқлаштиришни таъминлаш;

17) Бадиий академия раҳбар ва ходимларининг хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорларига мувофиқ ташкил қилиш ва бажариш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш, хизмат сафарлари харажатлари учун ажратилган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

18) Раис ўринбосари, бош илмий котиб, марказий аппарат бўлим ва бошқармалари, тизимга кирувчи ташкилот ва муассасалар раҳбарлари фаолиятини баҳолаш, уларнинг шахсий ҳисоботларини кенгаш мажлисларида тинглаш, якуний натижалар бўйича зарур чоралар кўриш;

19) Бадиий академия тизими ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш, ўринбосар ва бош илмий котибни рағбатлантириш ва уларга нисбатан интизомий чоралар кўриш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимларда қолишининг мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги бўйича таклифлар киритиш, уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чораларни амалга ошириш ҳамда Бадиий академия тизимининг алоҳида ўрнатилган кўрсатилган ходимларини Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига ва рағбатлантиришнинг бошқа турларига тавсия этиш;

20) Бадиий академия марказий аппарати ва тизимга кирувчи ташкилотлар раҳбарларини Ўзбекистон Бадиий академияси марказий аппарати бошқарма бошлиқлари ва ходимларининг идоравий одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси тизимидаги ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари ва ходимларининг идоравий одоб-ахлоқ қоидаларига (кейинги ўринларда Одоб-ахлоқ қоидалари деб аталади) риоя қилишларини таъминлаш;

21) “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Бадиий академия тизимида коррупция ва бошқа жиноятларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, уларнинг юзага келиши сабабларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этишни ташкил этиш;

22) Бадий академия фаолиятини ва унинг таркибидаги ҳудудий ташкилотлар ва муассасалар фаолиятини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этилишини назорат қилиш;

23) давлат хизматлари кўрсатишнинг очиклиги, сифати ва самарадорлигини ошириш ҳамда “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

24) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ фаолиятини самарали ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотни ташкил қилиш, шахсий қабулни мунтазам равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг сайёр қабулларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ташкил қилиш;

25) Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси билан ўзаро самарали ҳамкорликни таъминлаш, бунда Бадий академия раҳбарлари ва ходимларининг фаол иштирокини ташкил қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига тушаётган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

26) давлат сирлари ва махфий ҳисобланган ахборотлар билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

27) Бадий академияга ажратилган молиявий ва моддий воситаларни белгиланган тартибда тасарруф этиш ва уларнинг белгиланган тартибда сарфланиши устидан назорат юритиш;

28) давлатнинг юқори органлари, ижодий, илмий, ўқув муассасалари ва ташкилотларида Бадий академия номидан вакиллик қилиш ҳамда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

29) Бадий академиянинг ноширлик режаларини тасдиқлаш ва уларни амалга ошириш ишларига раҳбарлик қилиш;

30) ўз ваколати доирасида Бадий академия тизими ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва ижросини назорат қилиш;

31) Бадий академиянинг марказий аппарати ходимларини, тизим ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

32) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

14. Раис ўринбосарининг асосий функционал вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

2) тегишли буйруқ асосида Раис вақтинча йўқлигида унинг мажбуриятларини бажариш, марказий аппарат ва тизимга кирувчи ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари ва вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

3) ўзи масъул бўлган тизим ташкилотларининг фаолиятини назорат қилиш ва ходимлар ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш;

4) Бадий академиянинг тегишли йўналишлар доирасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган концепция, комплекс дастурлар ва кенг қамровли чора-тадбирларни амалга ошириш борасида чуқур танқидий таҳлиллар ўтказиш;

5) ўзи масъул бўлган бўлим ва бошқарма, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиш, белгиланган кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

6) мутасаддилик қилинадиган бошқарма ва бўлинмалар режаларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Раисга киритиш, уларнинг ижроси устидан назоратни таъминлаш;

7) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Раиснинг буйруқлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чораларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизومي мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар ва тизим ташкилотлари раҳбарларининг топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш бўйича шахсий масъулиятини ошириш борасида чоралар кўриш;

8) Бадий академия раҳбари, Бошқарув кенгаши қарорлари ва топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

9) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларга кадрларни танлаш ва тайинлаш бўйича таклифларни киритиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига кирувчи вакант иш ўринларига, шунингдек, Бадий академияга ишга қабул қилинувчи бошқа кадрларнинг профессионаллиги, чуқур билимга ва амалий тажрибага, юқори даражадаги ишчанлик, рухий-маънавий фазилатларга эга бўлишини кафолатли таъминлаш ҳамда уларнинг касб малакасини ошириш чораларини кўриш;

10) ўз фаолияти доирасидаги масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилиши ва тасдиқлаш учун Раисга тақдим этилишини, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги, “Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг регламенти талабларига амал қилган ҳолда уларни Вазирлар Маҳкамасига ўз муддатида киритишни таъминлаш, Раис топшириғига асосан Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи

аппаратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

11) ўз фаолиятига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, лойиҳа ва таклифларни тўлақонли ва ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларни марказий аппарат бўлинмалари орқали ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ва бошқа экспертизалардан ўтказиш;

12) хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорларига мувофиқ ташкил қилиш ва бажариш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш, хизмат сафарлари харажатлари учун ажратилган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

13) мутасаддилик қилинадиган бошқарма ва бўлимлар, тизимга кирувчи ташкилотлар фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигининг танқидий таҳлилин тизимли олиб бориш, мутасаддилик қилинадиган бошқарма ва бўлимлар, тизимга кирувчи ташкилотлар раҳбарларининг бу борадаги шахсий ҳисоботларини кенгаш мажлисларида эшитиш, якуний натижалар бўйича зарур чоралар кўриш;

14) ўз фаолиятига доир соҳаларда Бадий академия самарадорлигини ошириш ва янада ривожлантириш бўйича амалий чоралар кўриш ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича таклифларни Бадий академия Раисига киритиш;

15) мутасаддилик қилинадиган бошқарма ва бўлимлар, тизимга кирувчи ташкилотлар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, эгаллаб турган лавозимларга лойиқ ёки лойиқ эмаслигини кўриб чиқишга доир таклиф киритиш, белгиланган вазифаларнинг ижроси учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чоралар кўриш;

16) мутасаддилик қилинадиган бошқарма ва бўлимлар, тизимга кирувчи ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишини таъминлаш;

17) “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонун талабларига мувофиқ Бадий академия тизимида коррупция ва бошқа жиноятларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, огоҳлантириш, шунингдек, уларнинг юзага келиши сабабларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этишни ташкил этиш;

18) давлат хизматларининг самарадорлиги ва сифатини таъминлашга доир таклифларни Раисга тақдим этиш;

19) жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ фаолиятини самарали ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни ташкил қилиш, шахсий қабул қилишни мунтазам равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг сайёр қабулларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари

тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ташкил қилиш;

20) Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси билан ўзаро самарали ҳамкорликни, бунда Бадий академия тизимига кирувчи ташкилотлар раҳбарлари ва ходимларининг фаол иштирокини ташкил қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига тушаётган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқирилишини таъминлаш;

21) давлат сирлари ва махфий ҳисобланган ахборотлар билан ишлашда қонунчилик талабларига риоя қилиш;

22) Бадий академия тизимида кўргазмалар фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилиш;

23) республика ва хорижда анжуманлар, кўргазмалар, биеннале, фотобиеннале, симпозиум, конференция, фотоқўргазма ва бошқа ижодий, маданий тадбирларни ташкил этиш ва бу соҳада турдош вазирликлар, идоралар, ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

24) Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзолари, тизим ташкилотларининг ижодкор ходимларини белгиланган тартибда қабул қилиш, уларнинг шахсий, ижодий масалалар бўйича оғзаки ва ёзма мурожаатларини ўрганиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқиш;

25) Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли таркибий бўлинмалари билан Раис кўрсатмасига асосан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

26) Раиснинг топшириқларига биноан тегишли тармоқларда устувор вазифалар ва дастурлар бажарилишини мувофиқлаштириб бориш;

27) Ўзбекистон Бадий академияси, мутасаддилик қилинадиган Бадий академия тизимига кирувчи таълим муассасалари бошқаруви органларидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчилари номенклатурасига кирадиган лавозимларга номзодлар бўйича таклифларни Раиснинг топшириғига асосан белгиланган тартибда тайёрлашда иштирок этиш;

28) соҳани ривожлантириш ва бошқа масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифлар, ҳужжатлар ва лойиҳаларни кўриб чиқишда давлат манфаатларига қатъий риоя этилишини таъминлаш. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг амалга оширилиши юзасидан тизимли назорат ташкил этилишини таъминлаш;

29) Бадий академия марказий аппарати бўлим ва бошқармалари, тизим ташкилотлари ва муассасалари раҳбар лавозимларига кадрлар захирасини шакллантириш ишларини тизимли асосда ташкил этишда иштирок этиш;

30) Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан ҳамда бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

31) Раис топшириғига асосан тизим ташкилотлари ва муассасалари раҳбарлари ва вакилларини Бадий академияда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтинчалик ишчи гуруҳлар тузиш;

32) кўргазмали ва тарғибот-ташвиқот фаолияти билан боғлиқ тадбирлар самарали ташкил этилишини таъминлаш;

15. Бош илмий котибнинг асосий функционал вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

2) Раис вақтинча йўқлигида тегишли буйруқ асосида унинг мажбуриятларини бажариш, марказий аппарат ва тизимга кирувчи ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари ва вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

3) марказий аппарат ва тизимга кирувчи ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

4) тизимга кирувчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, мутасаддилик қилинадиган ташкилотлар ва муассасалар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, ходимлар ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш;

5) Бадий академиянинг тегишли йўналишлар доирасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган концепция, комплекс дастурлар ва кенг қамровли чора-тадбирларни амалга ошириш борасида чуқур танқидий таҳлиллар ўтказиш;

6) мутасаддилик қилинадиган бўлимлар, тизим ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чоралар кўриш, масъул раҳбарларнинг ҳисоботларини мунтазам эшитиш, белгиланган кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш;

7) мутасаддилик қилинадиган бўлимлар, тизим раҳбарларининг йиллик режаларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш, тасдиқлаш ёки тасдиқлаш учун киритиш, уларнинг ижроси устидан назоратни таъминлаш;

8) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Раиснинг буйруқ ва топшириқлари ижросини таъминлаш, ўзи масъул бўлган таркибий бўлинмаларда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чораларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар ва тизим ташкилотлари

раҳбарларининг топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш бўйича шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

9) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларга кадрларни танлаш ва жойлаштириш бўйича таклифларни киритиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига кирувчи вакант иш ўринларига номзодларнинг, шунингдек, Бадий академияга ишга қабул қилинувчи бошқа кадрларнинг профессионал, чуқур билим ва амалий тажрибага, юқори даражаги ишчанлик, рухий-маънавий фазилатларга эга бўлишини кафолатли таъминлаш ҳамда уларнинг касбий малакасини ошириш чораларини кўриш;

10) ўз фаолияти доирасидаги масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқиши, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги, “Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг регламенти талабларига амал қилган ҳолда уларни Вазирлар Маҳкамасига ўз муддатида киритишни таъминлаш, шу билан бирга Раис топшириғига асосан Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи аппаратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

11) ўз фаолиятига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, лойиҳа ва таклифларни тўлақонли ва ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларни марказий аппарат бўлинмалари орқали ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ва бошқа экспертизалардан ўтказиш;

12) хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорларига мувофиқ ташкил қилиш ва бажариш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш, хизмат сафарлари харажатлари учун ажратилган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

13) мутасаддилик қилинадиган тизимга кирувчи ташкилотлар, марказий аппарат бўлинмалари, ҳудудий муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигининг танқидий таҳлилинини тизимли олиб бориш, уларнинг шахсий ҳисоботларини кенгаш мажлисларида эшитиш, якуний натижалар бўйича зарур чоралар кўриш;

14) ўз фаолиятига доир соҳаларда Бадий академия самарадорлигини ошириш ва янада ривожлантириш бўйича амалий чоралар кўриш ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича таклифларни Бадий академия Раисига киритиш;

15) мутасаддилик қилинадиган тизимга кирувчи ташкилотлар, марказий аппарат раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, эгаллаб турган лавозимларга лойиқ ёки лойиқ эмаслиги бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун киритиш, уларнинг



белгиланган вазифаларнинг ижроси учун ўз шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чоралар кўриш;

16) мутасаддилик қилинадиган бошқарма ва бўлимлар, тизимга кирувчи ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишини таъминлаш;

17) “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун талабларига мувофиқ Бадий академия тизимида коррупция ва бошқа жиноятларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, огоҳлантириш, шунингдек, уларнинг юзага келиши сабабларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этишни ташкил этиш;

18) давлат хизматларининг самарадорлигини, сифати ва очиқлигини таъминлашга доир таклифларни Бадий академия Раисига тақдим этиш;

19) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳнинг фаолиятини самарали ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни ташкил қилиш, шахсий қабул қилишни мунтазам равишда ўтказиш, шу жумладан жисмоний ва юридик шахслар вакиллариининг сайёр қабуллариини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ташкил қилиш;

20) Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси билан ўзаро самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, бунда Бадий академия раҳбарлари ва ходимларининг фаол иштирокини ташкил қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига тушаётган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

21) давлат сирлари ва махфий ҳисобланган ахборотлар билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

22) Бадий академия фаолияти йўналишлари бўйича ишлаб чиқиладиган норматив ҳужжатлар лойиҳалари устида ишлаш, лойиҳаларнинг сифати, салоҳиятини ошириш мақсадида мутахассисларни жалб қилиш, ишчи гуруҳ тузиш ва унинг фаолиятини самарали ташкил этиш;

23) республика ва хорижда анжуманлар, кўргазмалар, биеннале, фотобиеннале, симпозиум, конференция, фотоқўргазма ва бошқа ижодий, маданий тадбирлар лойиҳаларини тайёрлаш ва ўтказишда иштирок этиш ва бу соҳада турдош вазирликлар, идоралар, ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

24) Бадий академиянинг ҳақиқий аъзолигига сайлов ўтказиш тартиби ва унга доир норматив ҳужжатларни мувофиқлаштириш, сайловни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни ташкил этишда иштирок этиш;

25) соҳани ривожлантириш ва бошқа масалалар бўйича киритиладиган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш, қайта ишлаш, уларнинг давлат манфаатларига қатъий риоя этилишини таъминлаш. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг амалга оширилиши юзасидан тизимли назорат ташкил этилишини таъминлаш;

26) мутасаддилик қилинадиган тизимга кирувчи ташкилотлар, марказий аппарат раҳбарлари ва ходимлари томонидан Бадий академия Устави талаблари, Раис ва Бошқарув кенгаши қарорлари бажарилишини таъминлаш;

27) Бадий академия ва ўзи масъул бўлган тизим ташкилотлари ва муассасаларида меҳнат ва ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўриш ва назорат қилиш;

28) илмий-тадқиқот ва инновацион фаолият билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;

29) Бадий академия таркибидаги ташкилотлар ва муассасаларда ахборот алмашинуви хавфсизлигини таъминлаш. Бадий академияда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини ҳимоя қилиш бўйича техник инфратузилма жорий этилишини ва ривожлантирилишини, уларнинг самардорлигини таъминлашни назорат қилиш;

30) Бадий академия расмий веб-сайти раҳбарият билан келишган ҳолда маълумотлар билан тўлдирилишини, тузилмаси, таркиби ва интерактив хизматларини ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш;

31) Бадий академияда замонавий ахборот технологияларидан, дастурий маҳсулотлардан ва маълумотларни қайта ишловчи аппарат воситаларидан, алоқа ва маълумотлар узатиш воситаларидан фойдаланиш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, уларни ривожлантириш масалалари юзасидан Раисга таклифлар киритиш ва ижросини назорат қилиш;

32) Бадий академия тизимида Идоралараро ягона ижро интизоми электрон тизими билан бевосита ишлаш тартиби йўлга қўйилишини ташкил этиш;

33) “Санъат” журнали таҳририяти фаолиятини мувофиқлаштириш;

34) Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Республика Рассомлик коллежи, Республика Дизайн коллежи, Қўқон тасвирий ва амалий санъат коллежи, Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатлари, уларнинг ўқув, устувор илмий йўналишлари, норматив ҳужжатлари, лойиҳалари, дастурлари, таълимни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишини назорат қилиш;

35) ўқув қўлланмаларини яратиш, таълим-тарбия жараёнини назорат қилиш, кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича кенг қўламли иш олиб бориш, маданий-маърифий муассасалар ва уларнинг истиқболини белгилаш, тасвирий ва амалий санъат, дизайн, меъморчилик, халқ ижодиётини ривожлантириш бўйича наشرларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

36) Бадий академиянинг илмий, ижодий, ўқув фаолиятини самарали ташкил этиш, турдош вазирликлар, идоралар, нодавлат ноtijорат ташкилотлари билан ҳамкорлигини ривожлантириш;

37) Раис кўрсатмасига асосан Ўзбекистон Бадий академияси, мутасаддилик қилинадиган таълим муассасалари бошқаруви органларидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчилари номенклатурасига кирадиган лавозимларга номзодлар бўйича таклифларни киритиш ва белгиланган тартибда тайёрлашда иштирок этиш;

38) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ҳукумат қарорларининг тизимда бажарилишини таъминлаш;

39) Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан ҳамда бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

40) тизимга кирувчи ташкилотлар раҳбарлари ва вакилларини Бадий академияда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтинчалик ишчи гуруҳлар тузиш;

41) тасдиқланган марказий аппарат бўлим ва бошқармалари низомларига асосан ўз фаолияти доирасида функционал вазифаларни самарали амалга ошириш, хизмат мажбуриятларини бажариш, зарурат туғилганда Бадий академия фаолияти самарадорлиги билан боғлиқ тезкор топшириқларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш;

16. Бадий академия марказий аппарати бўлинмалари раҳбарларининг функционал вазифалари:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

2) марказий аппарат ҳудудий бўлинмалари фаолиятини назорат қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида берилган вазифалар ва топшириқлар Бадий академия тизимидаги ташкилотлар томонидан бажарилишини таъминлаш;

3) Бадий академия тизимига кирувчи ташкилотлар фаолиятига боғлиқ самарали кўрсаткичларга эришишни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва унинг ижросини назорат қилиш;

4) Бадий академия тизимига кирувчи ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ тизим ташкилотлари ходимлари топшириқларни сифатли ва самарали бажариши учун уларнинг шахсий жавобгарлигини таъминлаш;

6) Бадий академиянинг Бошқарув кенгаши, Директорлар кенгаши қарорлари, Раис, унинг ўринбосари ва бош илмий котибнинг топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

7) Бадиий академия тизимига кирувчи ташкилотлар фаолиятини режалаштириш, иш режаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш, фаолиятга доир топшириқларнинг хусусиятидан келиб чиқиб чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва ижросини назорат қилиш;

8) марказий аппарат бўлинмаларига юкланган вазифалар ва топшириқлар ижросини назорат қилиш, ташкил этиш ва таъминлаш, бу борада тизим ташкилотлари ва муассасаларга амалий ва методик ёрдам кўрсатиш;

9) марказий аппарат фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва Бадиий академия раҳбариятига тегишли таклифлар киритиш;

10) Бадиий академия тизимига кирувчи ташкилотлар бўйича кадрларни танлаш ва жойлаштириш бўйича таклифларни киритиш, уларнинг малакасини, юқори даражадаги ахлоқий фазилатларини кафолатли таъминлаш, уларнинг касб малакасини ошириш, раҳбарлик қилинадиган таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантиришда иштирок этиш;

11) ўз фаолияти доирасидаги масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилиши ва тасдиқлаш учун раҳбариятга тақдим этилишини, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги, “Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3161-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг регламенти талабларига амал қилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига ўз муддатида киритилишини таъминлаш, Раис топшириғига асосан Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи аппаратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

12) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва таклифлар тўлақонли ва ҳар томонлама кўриб чиқилишини, марказий аппарат бўлинмалари орқали ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ва бошқа экспертизалардан ўтказилишини таъминлаш;

13) хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорларига мувофиқ ташкил қилиш ва бажариш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш, хизмат сафарлари харажатлари учун ажратилган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

14) раҳбарлик қилинадиган бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишини таъминлаш;

15) мутасаддилик қилинадиган тизимга кирувчи ташкилотларнинг фаолияти бўйича “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон

Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ коррупция ва бошқа жиноятларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, огоҳлантириш, шунингдек, уларнинг юзага келиши сабабларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этишни ташкил этиш;

16) давлат хизматларининг самарадорлигини, сифати ва очиқлигини таъминлашга доир таклифларни Бадий академия раҳбарига тақдим этиш;

17) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳнинг фаолиятини самарали ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни ташкил қилиш, мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг сайёр қабулларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низом бўйича белгиланган муддатларда ташкил қилиш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси билан ўзаро самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, бунда Бадий академия марказий аппарати ходимлари, тизимга кирувчи ташкилотлар раҳбарлари ва ходимларининг фаол иштирокини ташкил қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига тушаётган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

19) тасдиқланган марказий аппарат бўлим ва бошқармалари низомларига асосан ўз фаолияти доирасида функционал вазифаларни самарали амалга ошириш, хизмат мажбуриятларини бажариш, зарурат туғилганда Бадий академия фаолияти самарадорлиги билан боғлиқ топшириқлар сўзсиз бажарилишини таъминлаш;

20) давлат сирлари ва махфий ҳисобланган ахборотлар билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

#### **6-боб. Бадий академия раҳбарларининг жавобгарлиги**

##### **17. Раис:**

Бадий академияга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши;

ушбу Уставнинг 12-бандида назарда тутилган Бадий академиянинг мажбуриятлар соҳалари бўйича;

ушбу Уставнинг 13-бандида назарда тутилган ўзининг функционал вазифаларини сифатли амалга ошириш учун шахсан масъул ҳисобланади.

##### **18. Бадий академия раиси ўринбосари:**

Бадий академияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг мутасаддилик қилинадиган Бадий академия тизимида кирувчи ташкилотлар, унинг марказий аппарат бошқармалари ва бўлимлари томонидан самарали бажарилиши таъминланиши;

ушбу Уставнинг 12-бандида назарда тутилган Бадий академиянинг жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Уставнинг 14-бандида назарда тутилган ўзининг функционал вазифалари сифатли амалга оширилиши учун шахсан масъул ҳисобланади.

19. Бадий академиянинг бош илмий котиби:

Бадий академияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг мутасаддилик қилинадиган Бадий академия тизимига кирувчи ташкилотлар, марказий аппарат бошқармалари ва бўлинмалари томонидан самарали бажарилиши таъминланиши;

ушбу Уставнинг 12-бандида назарда тутилган Бадий академиянинг жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Уставнинг 15-бандида назарда тутилган ўзининг функционал вазифалари сифатли амалга оширилиши учун шахсан масъул ҳисобланади.

20. Марказий аппарат бўлим ва бошқармалари раҳбарлари:

тегишли бўлим ва бошқармаларга юкланган вазифалар ва функциялар амалга оширилиши;

ушбу Уставнинг 16-бандида назарда тутилган ўзининг функционал вазифалари сифатли амалга оширилиши учун масъулдирлар.

## **7-боб. Бадий академия фаолиятини ташкил этиш**

### **1-§. Бадий академия бошқаруви**

21. Бадий академия фаолиятига Раис раҳбарлик қилади. Раис Бадий академия Бошқарув кенгаши ва Бадий ижодкорлар уюшмасининг раиси ҳисобланади ва белгиланган тартибда лавозимга Бош вазирнинг тақдимида кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219-сон қарорига мувофиқ Раис мақоми, моддий, маиший, транспорт ва тиббий хизмат кўрсатиш шарт-шароитлари бўйича вазирга, унинг ўринбосари ва бош илмий котиб – вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

### **2-§. Бадий академия марказий аппаратининг тизим ташкилотлари ва муассасалари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби**

23. Бадий академия марказий аппаратининг тегишли ташкилий тузилмаларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш марказий аппарат бошқарув ходимлари томонидан амалга оширилади.

24. Бадий академия марказий аппарати тизим ташкилотлари ва муассасалари билан соҳа фаолияти бўйича ўзаро ҳамкорлик доирасида:

1) тизимида кирувчи ташкилотларга топшириқлар юборади ва уларнинг ижро этилишини назорат қилади;

2) тизимида кирувчи ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича текширувлар ўтказиши ва натижаларни умумлаштириши ҳамда фаолият самарадорлигини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

3) тизимида кирувчи ташкилотларнинг фаолиятига доир ҳисобот ва ахборот материалларини, статистик ва бошқа маълумотларни ўрганишни ташкил этади;

- 4) тизимга кирувчи ташкилотларнинг иш режаларини таҳлил қилиш ва соҳа фаолиятини режалаштиришни такомиллаштириш чораларини кўради;
- 5) тизимга кирувчи ташкилотлардан тушган таклифларни ўрганади;
- 6) тизимга кирувчи ташкилотларни соҳа бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишга жалб қилади ҳамда самарадорликни ошириш бўйича таклифларни кўриб чиқади.

25. Бадий академия тизимга кирувчи ташкилотлар марказий аппарат билан соҳа фаолияти бўйича ўзаро ҳамкорлик доирасида:

- 1) марказий аппарат кўрсатмалари ижроси юзасидан ҳисобот беради;
- 2) соҳа бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган фаолият натижалари юзасидан марказий аппаратга ахборот тақдим этади;
- 3) фаолиятни ўрганиш давомида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш натижаси бўйича ҳисобот беради;
- 4) фаолият натижалари бўйича ҳисоботларни белгиланган тартибда ўз вақтида тақдим этади;
- 5) ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва фаолият жараёнида юзага келаётган муаммоларни ҳал этишга қаратилган таклифларни тақдим этади;
- 6) ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тармоқлар билан ўзаро ҳамкорлик натижалари тўғрисида ҳисобот юборади;
- 7) ваколатли органлар томонидан ўтказиладиган текширувлар натижалари бўйича маълумот беради.

26. Бадий академия марказий аппаратининг тизим ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатлари жараёнида юзага келадиган келишмовчиликлар Раиснинг топшириғига асосан Раис ўринбосари ва бош илмий котиб томонидан кўриб чиқилади. Келишмовчиликлар ҳал бўлмаган тақдирда, ушбу масала бўйича тегишли қарор бевосита Бадий академия раҳбари томонидан қабул қилинади.

27. Бадий академия ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат, хорижий, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

28. Бадий академиянинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг мутасаддилик қиладиган комплекси ва ахборот-таҳлил департаменти раҳбарлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони хизматлари томонидан назорат қилинади.

### **3-§. Бадий академиянинг Бошқарув кенгаши**

29. Бадий академиянинг Бошқарув кенгаши унинг юқори органи ҳисобланади.

30. Бадий академиянинг Бошқарув кенгаши Раис, раис ўринбосари, бош илмий котиб, Бадий академиянинг ҳақиқий аъзолари, Бадий академия таркибига кирадиган муассасаларнинг раҳбарларидан ташкил топади.

31. Бадий академиянинг Бошқарув кенгаши:

1) Бадиий академиянинг устувор йўналишлари бўйича амалга оширилаётган ишларни муҳокама қилиб боради;

2) Бадиий ижодкорлар уюшмаси ҳамда тегишли ваколатга эга бўлган ташкилотлар тавсияларига асосан Бадиий академиянинг ҳақиқий аъзоларини сайлайди;

3) Бадиий академия тизимига кирувчи ташкилотлар ва муассасаларни ташкил қилиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш ҳақидаги таклифларни ишлаб чиқади;

4) Бадиий академиянинг Уставига зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

5) зарурат бўлганда Бадиий академия фаолиятига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам ўз ваколати доирасида кўриб чиқади.

32. Бадиий академия Бошқарув кенгашида қабул қилинаётган қарор йиғилишда рўйхатдаги аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштироки билан кўпчилик овоз берган тақдирда рўйхатдан ўтган ҳисобланади.

33. Бадиий академияда раҳбарияти, бошқарув ходимлари, Бадиий академия тизимига кирувчи ташкилотлар раҳбарларидан иборат таркибда Бадиий академиянинг Директорлар кенгаши тузилади. Директорлар кенгашига Раис раҳбарлик қилади. Директорлар кенгашининг шахсий таркиби ва унинг фаолият олиб бориш тартиби Раис томонидан тасдиқланади.

34. Бадиий академия ўзининг ҳақиқий, шунингдек фахрий хорижий аъзоларига эга.

35. Халқаро ва республика миқёсдаги нуфузли кўرғазмаларда муносиб иштирок этган, миллий, тасвирий ва амалий санъат, дизайн, санъатшунослик соҳаларини ўзининг йирик асарлари билан бойитган ва ўз ижоди, илмий, педагогик фаолияти билан соҳа тараққиётига улкан ҳисса қўшаётган, ўзбек маданияти ва санъатининг келажагига, юқори малакали мутахассислар тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган давлат мукофотлари ва унвонларига эга бўлган ижодкорлар Бадиий академиянинг ҳақиқий аъзолигига номзод бўлиши мумкин.

36. Жаҳон тасвирий ва амалий санъати тараққиётига улкан ҳисса қўшган арбоблар Бадиий академиянинг фахрий хорижий аъзолари этиб тайинланишлари мумкин.

#### **4-§.Бадиий академия аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

37. Бадиий академиянинг ҳақиқий аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) Бадиий академия тизимида яратилган шароитлардан фойдаланган ҳолда ижодий, илмий асарлар устида ишлаш;

2) Бадиий академиянинг ижодий, илмий, ўқув муассасаларидаги мавжуд илмий лавозимларни танловда иштирок этмаган ҳолда эгаллаш;

3) Бадиий академия Бошқарув кенгашига ижодий, илмий, ташкилий масалалар, таклифлар билан муурожаат қилиш ва муҳокамада иштирок этиш.

38. Бадиий академиянинг аъзолари:



1) Бадиий академия Бошқарув кенгаши ва Раиснинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган қарорлари, буйруқлари ва бошқа топшириқларини бажаришлари;

2) санъатни юксак, ёрқин ижодий ва илмий ютуқлар ёки кашфиётлар билан бойитишлари;

3) санъат ёки санъатшунослик соҳасининг ҳар томонлама ривожланиши учун шахсий масъулиятни ўз зиммасига олишлари;

4) санъат ва санъатшунослик соҳаларига тегишли мутахассисларни тайёрлашда бевосита қатнашишлари;

5) ҳар икки йилда бир маротаба ҳисобот кўргазмасини ташкил этишлари ва бир йилда бир маротаба Бадиий академия Бошқарув кенгашида Бадиий академия фаолиятидаги ижодий, тарғибот ва ташвиқот йўналишларидаги самарадорлик, ёш ижодкорларнинг ижодий имкониятларини кенгайтиришдаги иштироки бўйича ҳисобот бериб боришлари лозим.

39. Бадиий академиянинг ҳақиқий аъзолари академик унвони учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда ойлик гонорар оладилар ҳамда ушбу гонорарлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинади.

40. Бадиий академиянинг ҳақиқий аъзолари Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари учун белгиланган имтиёзлардан фойдаланади.

#### **5-§. Бадиий академия ҳақиқий аъзолигига сайловлар ўтказиш**

41. Бадиий академиянинг ҳақиқий аъзоларини сайлаш ушбу Уставга мувофиқ ва Бадиий академиянинг Бошқарув кенгаши қарори билан тасдиқланадиган сайлов тартиби асосида ҳар 3 йилда бир марта ўтказилади.

42. Бадиий академиянинг ҳақиқий аъзоларини сайлаш ҳақидаги маълумотлар сайловлар ўтадиган кундан камида уч ой олдин матбуотда эълон қилинади.

43. Ҳақиқий аъзоликка номзодлар сайлов ҳақидаги эълон чиққан кундан бошлаб икки ойдан кечикмай Бадиий ижодкорлар уюшмаси тавсияномаси билан Бадиий академиянинг Бадиий академия Бошқарув кенгашида рўйхатдан ўтишлари керак.

44. Ҳақиқий аъзоликка сайловлар ўтказиш муддати ва жойи Бадиий академия Бошқарув кенгаши қарори билан белгиланади. Ҳақиқий аъзоликка сайловлар тенг ва тўғридан-тўғри сайлов асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

45. Ҳақиқий аъзоликка сайловларда Бадиий академиянинг ҳақиқий аъзолари овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир ҳақиқий аъзо ҳақиқий аъзоликка сайловларда шахсан иштирок этади ва у бир овозга эга бўлади.

46. Овоз беришда Бадиий академиянинг ҳақиқий аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашиши шарт. Сайловларда иштирок этган ҳақиқий аъзоларнинг 50 фоизидан кўпининг овозини олган номзодлар Бадиий академия аъзолиги сайловидан ўтган ҳисобланади.

47. Маданият ва санъат соҳасидаги давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамда халқаро ташкилотлар Бадий академиянинг ҳақиқий аъзолигига номзодлар кўрсатишлари мумкин.

#### **8-боб. Бадий академия фаолияти самарадорлигининг баҳолаш мезонлари**

48. Бадий академия фаолиятининг самарадорлиги доимий равишда баҳолаб борилади.

49. Бадий академия фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш Вазирлар Маҳкамасининг мутасаддилик қилинадиган комплекси раҳбари томонидан тасдиқланган мезонлар ва ишчи кўрсаткичларига асосан амалга оширилади.

50. Баҳолаш якунлари бўйича қуйидаги чоралар кўрилади:

Бадий академия раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда соҳани ривожлантиришга қаратилган чораларни қўллаш;

Бадий академия фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини такомиллаштириш.

51. Бадий академия фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш методикаси ва тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

#### **9-боб. Бадий академия фаолиятини молиялаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий таъминотини ташкил этиш**

52. Бадий академия марказий аппаратини, унинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлимини, шунингдек бюджетдан маблағ билан таъминланадиган муассасаларини сақлаб туриш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

53. Бадий академия ходимларининг иш ҳақига лавозим маошлари, кўшимчалар, устама, мукофотлар ва бошқа тўловлар киради.

54. Бадий академия ходимларининг лавозим маошларига қўшиладиган ойлик устама ва кўшимча ҳақлар Раис томонидан белгиланади.

55. Бадий академиянинг бошқарув аппарати ходимларига иш ҳақи тўлаш, мукофотлаш, моддий ёрдам кўрсатишда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ходимлари учун белгиланган шартлар татбиқ этилади.

56. Бадий академия фаолиятининг иқтисодий асосини унга давлат томонидан ажратиладиган маблағлар, доимий фойдаланишга берилган асосий воситалар (фондлар) ва бошқа мол-мулк ташкил этади.

57. Бадий академия унга ўз мулки сифатида ёки вақтинча фойдаланиш учун берилган давлат фондлари, бошқа мол-мулкдан давлат топшириқлари асосида ва амалдаги қонунлар доирасида фойдаланади.

58. Бадий академия тизимига кирувчи ташкилотлар ўз ихтиёридаги асосий воситалар, иншоотлар ва мол-мулкдан белгиланган тартибда фойдаланадилар.

59. Бадий академия ва тизимдаги бюджетдан маблағ билан таъминланадиган муассасаларнинг бюджетдан ташқари даромадларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланилади.

60. Бадий академиянинг ўзини ўзи молиялаштирадиган ташкилотлари ўз фаолиятини тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад (фойда)лар ҳисобига амалга оширадилар.

**10-боб. Бадий академиянинг Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони хизматлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида ҳисобот бериши**

61. Бадий академия тизимли равишда Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони хизматлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида ҳисобот беради.

62. Вазирлар Маҳкамасининг мутасаддилик қиладиган комплекси раҳбари томонидан мунтазам равишда Бадий академияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши бўйича мониторинги олиб борилади, унинг фаолияти натижадорлиги юзасидан ҳолисона баҳо берилади.

63. Мониторинг натижалари ва Бадий академиянинг алоҳида ажралиб турадиган раҳбарлари ва мансабдор шахслари фаолиятига баҳо бериш натижалари бўйича улар рағбатлантириладилар ёки камчиликларга йўл қўйилганлиги учун эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача бўлган чоралар кўрилади.

**11-боб. Яқунловчи қоида**

64. Бадий академия Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил қилинади ва тугатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил “1” декабрдаги  
957-сон қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг  
ўз кучини йўқотган айрим қарорлари  
рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Бадий академиясининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 1997 йил 11 мартдаги 131-сон қарорининг 1-банди, 2-бандининг учинчи – олтинчи хатбошилари, 1-3, 3а-иловалари.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини такомиллаштириш масалалари тўғрисида” 2005 йил 25 ноябрдаги 264-сон қарорининг 5-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Бадий академиясининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 1997 йил 11 мартдаги 131-сон қарори”га ўзгартиришлар киритиш ҳақида” 2009 йил 3 июлдаги 185-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2009 й., 27-сон, 317-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш бўйича айрим қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2010 йил 5 июндаги 108-сон қарорига илованинг 10-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 6-сон, 27-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Бадий академиясининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 1997 йил 11 мартдаги 131-сон қарорига қўшимчалар киритиш ҳақида” 2010 йил 28 июндаги 127-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2010 й., 26-27-сон, 210-модда).

